



JIZZAX VILOYATI
HOKIMLIGI

SHARAF
RASHIDOV
UY-MUZEI



SAMBHRAM
UNIVERSITY
Jizzax, UZ

O'zNNTMA
O'zbekiston madaniyat sohasidagi
madaniy merosni saqlash va rivojlantirish

SHARAF
RASHIDOV
FONDI

SHAROF RASHIDOVICH RASHIDOVNING ADABIY MEROSI YANGI
O'ZBEKISTON STRATEGIYASI KONTEKSTIDA

ЛИТЕРАТУРНОЕ НАСЛЕДИЕ ШАРАФА РАШИДОВИЧА РАШИДОВА В
КОНТЕКСТЕ СТРАТЕГИИ НОВОГО УЗБЕКИСТАНА

THE LITERARY HERITAGE OF SHARAF RASHIDOV IN THE CONTEXT OF THE
'NEW UZBEKISTAN' STRATEGY

Ma'ruzalar to'plami / Сборник докладов / Articles Collection

Xorijiy ishtirokchilar bilan respublika ilmiy-amaliy anjumani

Республиканская научно-практическая конференция с зарубежными участниками

National Scientific and Practical Conference with Foreign Participants

Jizzax / Джизак / Jizzakh

20.09.2024

Жўраева Нигора Ниёзбобоевна	
Шароф Рашидов ижодида миллий қадриятлар инъикоси	138
Суярова Айнура Ибодуллоевна	
Становление Шарафа Рашидова как публициста	145
Zohidova Durdona Lutfullayevna	
Sharof Rashidov ijodida sharq dostonchiligi anʼanalari	154
 II-Бўлим: «ШАРОФ РАШИДОВНИНГ БАДИЙ ИЖОДИ ВА ЎЗБЕКИСТОНДА ТАРЖИМАШУНОСЛИКНИНГ РИВОЖЛАНИШИ»	
Ҳамидов Хайрулла Худоёрович	
Ўзбекистонда таржима адабиёти ва таржимашунослик фанининг истиқболлари хусусида	162
Рустамов Абдулла Итимакович	
Атоқли давлат ва жамоат арбоби, таниқли ёзувчи Ш. Рашидовнинг барҳаёт сиймоси ва адабий мероси .	172
Муҳибова Улфатхон Учқуновна	
Шароф Рашидовнинг “Кашмир кўшиғи” асарида ёзувчининг пейзаж ва образ яратиш маҳорати.....	186
Юлдошев Рустамжон Рўзиевич	
Ўзбек ва тожик халқлари дўстлиги ривожда Шароф Рашидовнинг хизматлари.....	193
Ахмеджанов Марат Исмаилович	
Шараф Рашидов: политик, писатель и культурный миротворец	205
Муминов Искандар Толибович	
Создание цифрового исторического архива Международного общественного фонда им. Ш. Рашидова ..	208
Mardiev Rustam Raxmatovich	
Sharof Rashidov asarlarining badiiy talqini (“Kashmir qoʻshigʻi” dostoni misolida)	212
Davlatova Noila Boboydavlat qizi	
Kashmir qoʻshigʻi: qahramonlar xususiyatlari.....	216
Jumaniyozova Muhabbat Xusainovna	
Sharof Rashidov sheʼrlarining fonopoetik xususiyatlari.....	221
Шеронов Бойирбой Ғозиевич	
Шарқ адабиёти ва Шароф Рашидов бадий ижодининг уйғуниги	226
Суюнов Мавлонберди Раҳмонович	
Адабий ҳамкорлик ва ижодий ўзигахослик (Шароф Рашидов ва Мирзо Турсунзода ижоди мисолида)....	231
Носир Абдулҳакович Тоиров	
Шароф Рашидовнинг севги-муҳаббат лирикаси ва публицистикаси	242
Turolova Parizod Shavkat qizi	
XX asr publitsistikasida Sharof Rashidov adabiy-publitsistik maqolalarining oʻrni	251
Рахманова Альбина Ходжаевна	
Сказочный и романтический нарративы в повести Ш. Рашидова «Кашмирская песня»	257

ШАРОФ РАШИДОВНИНГ «КАШМИР ҚЎШИГИ» АСАРИДА ЁЗУВЧИНИНГ ПЕЙЗАЖ ВА ОБРАЗ ЯРАТИШ МАҲОРАТИ

Муҳибова Улфатхон Учқуновна

филология фанлари доктори, профессор, Тошкент давлат шарқшунослик
университети Тошкент давлат шарқшунослик университети Жанубий Осиё
тиллари ва адабиёти олий мактаби профессори

Аннотация. Мақола Шароф Рашидовнинг «Кашмир қўшиғи» асарида муаллифнинг образ ва пейзаж яратиш маҳоратини очиқ беришга бағишланган. Асарда бошдан оёқ яхшилик ва ёвузлик ўртасидаги кураш, икки ошиқнинг ҳижрон азоблари, севги ва муҳаббат душманларига қарши ошиқларнинг кураши, муҳаббат ва яхшиликнинг ахир оқибат голиб келиши табиат ҳодисалари орқали баён этилади. Асарда персонаж сифатида иштирок этган турли гуллар, шамол, бўрон, ёмғир ва бошқа табиат ҳодисалари ўзбек тилининг бой сўз имкониятларидан фойдаланган ҳолда акс эттирилгани очиқ берилди.

Калит сўзлар: Хоруд, ёмғир, Наргиз, момақалдирак, Бўрон, Бамбур, Атиргул, Ёвунгул, шамол, булут.

МАСТЕРСТВО ШАРАФА РАШИДОВА В СОЗДАНИИ ОБРАЗОВ И ПЕЙЗАЖОВ В ПРОИЗВЕДЕНИИ «КАШМИРСКАЯ ПЕСНЯ»

Аннотация. Статья посвящена раскрытию мастерства писателя в создании образов и пейзажей в произведении Шарафа Рашидова «Кашмирская песня». В произведении через природные явления описаны борьба добра и зла, страдания двух влюбленных, борьба влюбленных с врагами любви и конечная победа любви и добра. Выявлено, что различные цветы, ветер, буря, дождь и другие явления природы, участвовавшие в качестве персонажей в произведении, отражены с помощью богатой лексики узбекского языка.

Ключевые слова: Харуд, дождь, Наргиз, гром, Гроза, Бамбур, Роза, Ёвунгуль, ветер, облако.

SHARAF RASHIDOV'S SKILLS IN CREATING IMAGES AND LANDSCAPES IN THE WORK "KASHMIR SONG"

Abstract. The article is devoted to revealing the writer's skill in creating images and landscapes in Sharaf Rashidov's work the "Kashmir Song". The work describes through natural phenomena the struggle between good and evil, the suffering of two lovers, the struggle of lovers with the enemies of love and the final victory of love and good. It was revealed that various flowers, wind, storm, rain and other natural phenomena that participated as characters in the work are reflected using the rich vocabulary of the Uzbek language.

Keywords: Kharud, rain, Nargiz, thunder, Thunderstorm, Bambur, Rose, Yovungul, wind, cloud.

«Кашмир қўшиғи» бадий жиҳатдан юксак, мазмунан бой, ажойиб бир севги ва садоқат, яхшилик ва ёвузлик ўртасидаги абадий кураш қиссасидир. Бундай ажойиб баркамол асарнинг муаллифи, буюк миллат рахбари, одил сиёсатчи, инсонпарвар ва адолатпарвар шахс, адабиёт ва гўзаллик, бадий ижод ихлосманди Шароф Рашидовдир.

«Кашмир қўшиғи» асари Шароф Рашидовнинг Ҳиндистонга, айнан Кашмирга қилган сафари тассуротлари, Кашмирнинг гўзал табиаи, халқ ўртасида асрлар оша куйлаб келинадиган севги афсонаси таъсирида яратилган. «Кашмир қўшиғи» асари дунёнинг 56та тилига таржима қилинган. Шароф Рашидовнинг юз йиллиги муносабати билан ўзбек тилининг лотин алифбосида яна қайта нашр этирилди. Қиссанинг инглиз тилига таржимаси ҳам Шароф Рашидовнинг 100 йиллиги муносабати билан 2017 йилда Лондонда қайта нашр этирилган. Айни шу нашрга ёзилган кириш сўзининг муаллифи ушбу асар тарихини чуқур ўрганиб ҳали ҳеч кимга маълум бўлмаган бар тарихий фактни аниқлаб кириш сўзида шуни келтириб ўтган. Бу факт шундан иборатки, «Кашмир қўшиғи» асарига асос бўлган кашмир тилидаги асар ҳам аслида бошқа бир халқнинг, яъни хитой халқининг японларга қарши озодлик курашини ўзида акс эттирган «Светловолосая Девушка» операсидан

таъсирланган кашмирлик Динанатх Надим томонидан яратилган. Надим Кашмир можаролари йўлида курашган кашмир халқининг курашини акс этириш мақсадида шу хитой операси сюжетида фойдаланган ҳолда ўз она тилида “Bombur taa Yamberzal” операсини яратган. Кашмирга таъриф буюрган Совет делегациясига ушбу опера намойиш этилган. Делегация таркибида Шароф Рашидов ҳам бўлган. Шундан кейин Шароф Рашидовда ушбу ажойиб севги қиссасини ўзбек китобхони учун қайта яратиш истаги пайдо бўлган.

Қиссанинг баркамоллиги асар персонажларининг гуллардан танланганлиги, икки ошиқ қиссасининг, яхшилик ва ёвузлик ўртасидаги курашнинг табиат қўйнида, боғ роғларда, гулзорларда юз беришида ҳамда муаллифнинг бу воқеаларни жуда катта меҳр билан баён этишида, севги қиссаси юз берадиган макондаги табиат пейзажларини ўта моҳирлик билан тасвирлашида яққол кўзга ташланади.

Қисса қаҳрамонлари Наргиз гули ва асаларилар шоҳи Бамбур. Бу азалий бир-бирига боғлиқ, бир биридан озикланадиган табиат мўжизалари. Наргизнинг дугоналари Лола, қизил Атиргул, оқ Атиргул, Наврўзгул, Ёвунгул, Сарикгул ва гулзордаги бошқа гуллар. Бамбур мард, ботир ва қўрқмас ошиқ асалари. У ўз севгилиси Наргиз учун, уни ёвузлар чангалидан қутқариш учун, унинг висолига етиш учун ёлғиз курашади. Бу икки ошиқнинг душманлари, қиссадаги муҳаббат, яхшилик, гўзаллик ва бахтни кўра олмайдиган ёвуз кучлар бу Бўрон, Хоруд, Шамол, булут, дўл ва ёмғирлардир.

Асарнинг муваффақияти Шароф Рашидовнинг қиссадаги воқеалар, образларнинг тавсиф ва тасвирида сўз санъатидан ўта моҳирона фойдаланганлигида намоён бўлади. Қисса билан танишиб борар эканмиз ундаги кичик бир севги қиссаси шунчалик бой, мазмундор ва таъсирчан ифодаланганки, уларни ўқиб фақат завқланиш мумкин. Асарда бирон бир ҳодиса, бирон бир туйғу, бирон бир тасвир баёни бир икки сўз билан эмас шу ҳолатни тасвирлаш учун қўллаш мумкин бўлган барча гўзал ва тасирчан

сўзлардан, сўзларнинг синонимларидан жуда усталик билан фойдаланилган. Жумладан, муаллифнинг ўзи ушбу асарни яратишга асос бўлган туйғуларини жуда ажойиб, ўзига тортувчан тарзда ифодалаган: «Жилам дарёси қирғоқларида янграган кашмир кўшиғи... бизни сеҳрлаб қўйди, ўйлатиб, қўйлатиб қўйди... мен қўйлай, сиз тингланг!» [2, –Б.6].

Асар персонажлари тасвирига эътибор қаратадиган бўлсак, бундай сержило ифодалар ўқувчида фақат ҳайрат туйғуларини уйғотади. Қиссадаги маъшуқа, севги тимсоли бўлган Наргиз образини тасвирлашда муаллиф гулқизнинг барча гўзал ҳислатларини, чиройини очиб берувчи тавсифий сўзларни қўлланган, жумладан, эрта баҳорнинг тўнғич гули Наргиз, гўзал Наргиз, сарвиқомат Наргиз, ўз чиройи билан оламга шуҳрат ёйган Наргиз, хуснижамолда тенги йўқ, ишқ қўйчиси, ҳаёт санъаткори Наргиз.

Ошиқ Бамбур образи тавсифида эса асаларилар шоҳи Бамбур, баҳодир Бамбур, Ҳижронзода Бамбур каби таърифларни учратамиз. [2, –Б.6, 59]. Наргизнинг дугоналари, унинг Бамбурга бўлган севгисига ҳурмат кўзи билан қараб, уни доим қўллаб-қувватлаб, ҳамиша садоқат кўрсатган, ёвузларга қарши курашда доим Наргизнинг ёнида бўлган гулзордаги барча гуллар. Жумладан, Лолага берилган тавсифлар: Наргизнинг энг севимли дугонаси, садоқатли дўсти. У ақли расолиги ва самимийлиги, садоқати ва илтифоти, ширинлиги ва гўзаллиги билан дугоналарининг чин севгисига сазовор бўлган. Лоланинг катта чиройли кўзлари, ўтдай чакнайди, қалин қошлари ўсма қўйгандай пайваста, ипак киприклари чиройли кўзларини яшириб туради. [2, –Б.6, 20,21]. ...унинг юзларидан, кўзларидан нур томади, табассуми ёқимли [2, –Б.53]. Наврўзгул тавсифи: гулларнинг энг нозиги. Пушти ранг шоҳдан қўйлак, зангори шоҳдан чолвор, енглари, ёқалари, этаклари ранг баранг япроқлардан [2, –Б.61]. Наврўзгулнинг исирғалари ҳам, маржонлари ҳам турли туман чечаклардан [2, –Б.62]. Ёвунгул тавсифи: ҳеч сўлмас ёшлик гули. Ҳеч қандай таҳдиддан қўрқмасди, ҳеч қандай курашдан тоймасди [2, –Б.66]. Оқ Атиргул

тавсифи: унинг куйлаги, нимчаси ва бошидаги дуррачаси ҳам харир оқ шоҳидан, исирғалари ҳам оппоқ, сутга чайилгандай оқ юзи ойга ўхшайди [2, – Б.53]. Атигул ҳам дугоналари каби баҳор билан яшнаган, очилган, етилган, ясанган [2, –Б.22].

Қиссада ёвуз кучлар, Наргиз ва Бамбур севгисига бор кучи билан қарши курашадиган, табиатни, боғ роғларни остин устун қилишдан завқ оладиган Хоруд ва Бўрон ҳақидаги ўқувчига етказиладиган тасвирий воситалар инсонда фақат ғазаб ва нафрат туйғуларини кўзғатади. Жумладан, Хоруд, гуллар боғига ёғилиб кел, чечаклар, майсаларни сўлдириб, ўлдириб кел [2, –Б.29]. Хаёт ва бахтнинг, ўсиш ва юксалишнинг ашаддий душмани Бўрон ва Хоруд [2, –Б.31]. Хоруд гуллар офати, кўкатлар кушандаси, ажал келтирувчи жирканч ўлат; Хоруднинг олайган катта баҳайбат кўзлари нурсиз ва даҳшатли. Унинг хунук қиёфаси ўлим ва бахтсизлик жарчиси, очлик ва яланғочлик тимсоли, хору зорлик манбаи... курум босган харобазор [2, –Б.32]. ...дунёда нимаики туғилиб ўсса, нимаики яйраб - яшнаса, ҳаммасини емиришга қасамёд қиламан. Мен тирик эканман ҳеч қандай гул, ҳеч қандай дарахт ўсмайди, кўкармайди, боғлар ҳам, тоғлар ҳам, далалар ҳам, водийлар ҳам кимсасиз яп-яйдоқ тақир сахрога айланади. Менинг қадамим етган ерларда ҳаётдан асар қолмайди. Хоруд жирканч ва даҳшатли кўзларини олайтириб хас хашаклар, қовжираган япроқлар ва қуриган пўстлоқлар билан ўралган узундан узун, ингичка ва нимжон қўлларини осмонга кўтарди... [2, –Б.33]. Унинг қора юраги қаҳр ва ғазаб, жаҳл ва ҳасад ўтида ёнади. [2, –Б.38]

Бамбурнинг ўз севгилиси гўзал Наргиз учун кураши, уни Хоруд ва Бўрон етказаетган азобдан озод қилиб, унинг висолига етиш йўлидаги кураши, ҳижрон азобида қийналиши жуда ажойиб, мазмундор ва ҳақиқий ошиқлар дуч келадиган синовлардек тасвирланган, бундай тасвирларга асардан намуна келтирамиз: «Бамбур билган дарёлар, у кўрган қоялар, у севган турнакўз булоқлар, тинглаб маст бўлган кўшиқлардан ному нишон йўқ эди; тунлари

юлдузлардан, елдим оёқли охулардан, кунлари шамолдан, ўткир кўзли бургутлардан сўраб чарчади»[1, –Б.47]. «Бамбур чўллар ошди, дарёлар ошди, сахролар ўтди, адирлар ва қирларни ортда қолдирди» [1, –Б.49]. Нима қилишни, кимдан сўроқлашни, қаердан ахтаришни, кимдан ёрдам кутишни билмай қолди [1, –Б.51].

Қиссада, аслида воқеалар тизими унчалик кўп эмас, уни бир кичик ҳикоя тарзида ҳам ёзиш мумкин эди. Қиссага кўра Наргиз гулини асалари Бамбур севиб қолади, Наргиз гули ҳам бу севгига севги билан жавоб беради. Гулзордаги барча гуллар ҳам уларнинг севгисига хавас билан қарайди. Аммо, ҳаётда яхшиликка қарши доим ёмонлик туради. Ҳақиқий севги ҳам ҳаётда доим катта синовдан ўтади, азоб чекади, хижрон онларидан ўтади. Бироқ Кашмирдаги бу севги қиссасидан, кашмирликларнинг бу қиссани асрлар оша севиб куйлаб келишидан, бу юртнинг гўзал табиатидан кучли таъсирланган Шароф Рашидов ҳам, ўз навбатида, катта илхом ва ўта меҳр билан билан ўзбек тилининг жамики гўзал сўз ва ибораларидан моҳирона фойдаланиб ушбу асарни дунёга келтирган. Қисса бошланишидан аввал Наргиз гули яшайдиган макон, боғ роғлар, у ердан оқиб ўтадиган жилғалар, уларнинг табиатга бахш этадиган гўзаллиги, уларнинг борлиқ тириклигини таъминловчи куч қудрати ҳақида ёзувчи шундай деб ёзади: «...дарё тўлқин уриб оқади, йўл йўлакай сувиға сув, кучига куч, қудратига қудрат, чиройига чирой қўшилиб боради... тоғлар этагидан чиққан зилол сув кўз илғамас ирмоқлар ва булоқлар оқиб, кенг, гўзал сой тубларида шўх ва ёқимли куйлаб водийларга равона бўлади-ю, дараларни, далаларни, майсазор ва экинзорларни, чўллар ва сахроларни кезиб, узоқ-узоқ йўл босади... дарёлар ўзининг ҳаётбахш суви билан чечаклар ва экинларнинг, дарахтлар ва ўсимликларнинг томирига ризқ, япроғига япроқ, гунчасига гунча, шонасига шона, новдасига новда, гулига гул, хосилига хосил, хуснига хусн қўшади... чечаклар бир-биридан гўзал, бир-биридан чиройли, бир-биридан сербарг, бир-биридан серғунча» [1, –Б.6,7]. Борлиқ гўзаллигини

бадий жихатдан бундай юсак, гўзал ва ҳаққоний тасвирлаш ҳар қандай асарда ҳам учрайвермайди. Қиссада ҳар бир яхшилик ҳам, ҳар бир ёвузлик ҳам худди мана шундай маромига етказиб тасвирланганки, ўқувчи ундан таъсирланмаслигининг, унда қувонч ёки ғазаб туйғулари уйғонмаслигининг иложи йўқ. Ёвузлик тавсифидан намуна келтирамиз: “денгизлар чайқалиб, хайқириб оқади... дўл ёғади, сел келади, момақалди роқ гуриллайди, ер остин устун бўлади. Тоғлар ағдарилади, боғлар хазон бўлади, экинлар қурийди... мен ҳаёт гулиман, сен вабо элчисисан... жаланинг шовқини, дўлнинг тасир– тусури, ғулдурак ва суронлар” [1, –Б.43,46].

Қисса яхшиликнинг, севги муҳаббатнинг ғалабаси, ёвузликнинг мағлубияти билан якунланади: «Шод хуррам Бамбур Сарвқомат Нарғиз оёғига йиқилди. Гуллар боғида бахт саодат қарор топди» [1, –Б.72]. Ушбу якунда ёзувчи нафақат севгининг ғолиб чиққанлигини, балки адиб танлаган сўзлар, иборалар тағ маъносида борлиқнинг доимий янгиланиши, ҳар қандай совуқ, бўрон изғиринлар чаманларни йўқ қилмасин эрта баҳорда ҳаётнинг яна қайта тирилиши, қуёш нури ва жилғалар барча яшилликларга қуч қувват ва янги ҳаёт бахш этиши, олам абадий янгиланиш жараёнида эканлигига ишора яширингандек туюлади: «Адиб қуйлаган қўшиқ мана шу дарёга ўхшайди. Ҳаётбахш, мусаффо, гўзал, енгилмас. Энди ҳеч қандай қуч уни тўсолмайди, саодат ва фаровонлик, тинчлик ва омонлик йўлига тўғоноқ бўлолмайди» [1, – Б.77].

«Кашмир қўшиғи» қиссаси абадий барҳаёт муҳаббат қиссасидир, яхшилик ва ёвузликнинг абадий қураши ва яхшилик ғалабасини қуйлаган асардир, ундаги ҳар бир персонаж ўзининг баркамол тасвири ва тавсифи, таъсирчан баёни билан ҳар давр учун севимли ва қизиқарли асар бўлиб қолади.

Адабиётлар рўйхати:

1. Мухтар Ганиев. Моя правда о Шарафе Рашидове. Ташкент, 2023.
2. Шароф Рашидов. Кашмир қўшиғи. Тошкент, Ёш гвардия, 1978.
3. Sharof Rashidov. Sevgi bilan golibman har on. Toshkent, 2020